

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zparqurilish" AJ

Объявление

"O'ZPARQURILISH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

**“УЗПАРҚУРИЛИШ” АЖ БОШҚАРУВ РАИСИ ЛАВОЗИМИГА САЙЛАШ УЧУН ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДАГИ ЭЪЛОН**

“Узпарқурилиш” АЖ бошқарув раиси лавозимига сайлаш учун танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон

Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет-эл давлатлари фуқаролари таклиф этиладилар.

Танлов Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги» қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув замонавий методларини жорий этиш тўғрисида»ги 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли қарори ва жамият устави асосида эълон қилинган.

Жойлашиш манзили: Бухоро вилояти, Коровул бозор тумани, Карши шоссеси.

Фаолиятининг асосий йуналишлари: қурилиш хизматлари.

Лавозим номи: «Узпарқурилиш» АЖ бошқарув раиси.

Вазифалар: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва «Узпарқурилиш» АЖ уставига асосан жамиятнинг барча фаолияти бўйича умумий раҳбарлик қилиш.

Танлов иштирокчиларига қуйиладиган талаблар:

Иш ҳақи бўйича мавжуд қарздорликни қисқа муддатда тўлаб бериш;

Қўшимча қурилиш монтаж ишларини бажариш бўйича шартнома тузиш;

Олий (техник/иқтисодий) маълумот;

Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ҳафвсизлиги, ишлаб-чиқариш санитарияси, ёнгин ҳафсизлиги ва саноат ҳафсизлиги қоидалари ва нормаларини билиш;

Тил билиш: ўзбек ва рус тилларида эркин мулоқот, чет-эл тилларини билиш қадирланади;

Жамият фаолиятига тегишли Ўзбекистон Республикаси қонун актларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш Агентлиги, маҳаллий ҳокимлик органлари ҳамда бошқа раҳбарлик ва норматив ҳужжатларни, корпоратив бошқарув принципларини билиш;

Жамият ихтисослиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган муддатда тажрибага эга бўлиш.

Танловда иштирок этиш учун номзод жамиятга тақдим этиши шарт бўлган ҳужжатлар:

Такдим этилган хужжатлар руйхати ва алоқа маълумотлари курсатилган ҳолда танловдаи штирок этиш учун ариза;

Шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси, меҳнат дафтарчаси нусхаси ёки меҳнат тажрибасини тасдиқловчи хужжат, олий маълумот тугрисидаги хужжат нусхаси, ҳамда қўшимча маълумотга эга булганлиги тугрисидаги хужжатлар нусхаси;

- 1-иловага асосан шаклда номзод анкетаси;

- танлов таклифи (алоҳида конвертда елимланган ва имзолари билан тасдиқланган ҳолда такдим этилиши шарт).

Танлов таклифи номзод томонидан ҳақиқатдаги молия-ҳужалик фаолияти курсаткичлари асосида ишлаб чиқиладиган ва ўрта истиқболда корхонани ривожлантиришни стратегик режасини кўзда тутилган бўлиши керак, бунда:

- корхонани келгуси йилга бошқариш бўйича аниқ режаси;

- иш ҳақи бўйича мавжуд қарздорликни аниқ муддати кўрсатилган ҳолда тўлаб бериш режаси;

- қўшимча қурилиш монтаж ишларини бажариш бўйича аниқ буюртмачи номи, иш қиймати ва муддати кўрсатилган ҳолда шартнома тузиш режаси;

- жамиятда мавжуд булган мақсадларни самарали бажариш ва хатарларни таҳлил қилиш натижалари, ҳамда корхона техник-иктисодий ва молиявий курсаткичларини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф;

- корхонани ривожлантириш учун инвестиция жалб қилиш бўйича таклиф;

- корхонани асосий молия-ҳужалик фаолияти курсаткичларини яхшилаш бўйича қўйилган таклиф;

- жамиятда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф.

Хужжатлар дастлабки танлов ўтказиладиган кун: 2021 йил 26 август.

Аризалар илова қилинган хужжатлар билан 2021 йил 26 августгача; душанба-жума кунлари 09.00 дан 17.00 гача (махаллий вақт бўйича) Бухоро вилояти, Коровулбозор туман, Карши шоссе манзили бўйича қабул қилинади. Электрон манзил: uzparqurilish@mail.ru (<mailto:uzparqurilish@mail.ru>). Алоқа учун телефон: +99899-344-19-37, +99891-647-02-04, Танлов ўтказилиши билан боғлиқ қўшимча маълумот олиш учун жамият ходимларни бошқариш бўлимига мурожаат этишингизни сўраймиз.

27.07.2021

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/12040/>

Дата: 06.05.2026